

IMRS

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

2026 йил, апрель



**Тошкент шаҳрида
тунги иқтисодий фаоллик ва унинг
ривожланиш истиқболлари**

**Макроиқтисодий ва
ҳудудий тадқиқотлар
институти**

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУНГИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кириш

Сўнги йилларда дунё миқёсида хизматлар соҳасининг кенгайиши, туризм ва маданий индустриянинг ривожланиши натижасида кечки ва тунги иқтисодий фаоллик сезиларли даражада ошди. Бу шароитда “**тунги иқтисодиёт**” (*night-time economy*) тушунчаси шаҳарларни режалаштириш ва илмий тадқиқот ишланмаларида мустақил таҳлил объекти сифатида қарала бошланди.

Адабиётлардаги умумий ёндашувга кўра, тунги иқтисодиёт – бу кечки ва тунги вақтларда (*асосан кечки 18:00 дан эрталабки 06:00 гача*) амалга ошириладиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятлар мажмуаси сифатида қаралади.

БМТ маълумотига кўра, ҳозирда дунё аҳолисининг **58%**и шаҳар жойларда истиқомат қилаётган бўлса¹, **2050 йилга** бориб бу кўрсаткич **68%** га етиши кутилмоқда². Шу жиҳатдан, урбанизация ва шаҳарларда зичликнинг ортиши мавжуд инфратузилма таъминоти, хизматлар ва жамоат объектларидан вақт бўйича янада интенсив, шу билан бирга, самаралироқ фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда кузатилаётган жадал урбанизация жараёнлари, рақамли истеъмолнинг кенгайиши ҳамда миллий иқтисодиётнинг тобора “хизматлар иқтисодиёти” моделига ўтиб бораётгани тунги иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бермоқда. Хусусан, ўтган **2025 йилда** мамлакатга **11,7 млн нафар** (*2024 йилда 8,2 млн нафар*) хорижий турист ташриф буюрган бўлиб, бунда қўшни давлатлардан ташриф буюрганларни ҳисобга олмаганда, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби йирик шаҳарларга туристик оқимнинг сезиларли қисми тўғри келади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон шаҳарлари “вертикал ўсиш”дан кўра кўпроқ агломерация ҳудудлари ҳисобига кенгаймоқда ва шаҳар инфратузилмасига юклама ортиб бормоқда³. Биргина, Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони **3,1 млн нафар**ни ташкил этса-да, пойтахт инфратузилмасидан кунига **5 млн нафар**га яқин аҳоли фойдаланади⁴.

Мавжуд ривожланиш тенденциялари ва потенциал имкониятларга қарамасдан, Ўзбекистонда тунги иқтисодиёт ҳозирга қадар тизимли равишда ва тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Шунининг олиб, мазкур тадқиқот доирасида пойтахт Тошкент шаҳри мисолида бизнес

¹ <https://www.un.org/development/desa/pd/content/world-urbanization-prospects-2025-ten-key-messages>

² <https://www.un.org/uk/desa/68-world-population-projected-live-urban-areas-2050-says-un>

³ <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099650006092233844/pdf/P17452003170f001708cc10479893d7c193.pdf>

⁴ <https://strategy.uz/index.php?lang=en&news=2178&>

объектларнинг тунги фаоллиги замонавий методлар ёрдамида таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида тунги иқтисодиётнинг ҳудудий кластерлашуви, тунги иқтисодиёт объектларининг фаолият давомийлиги ҳамда инфратузилма таъминоти каби йўналишлар ўрганилиб, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тунги иқтисодиётнинг долзарблиги

Жаҳон шаҳарлари тажрибаси шуни кўрсатадики, тунги иқтисодиёт замонавий шаҳарлар ривожланишининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бундай шаҳарларда тунги иқтисодиёт нафақат кўнгилочар ёки ижтимоий-маданий қиёфани ифодаловчи соҳа, балки, бандлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери сифатида кўрилмақда.

Маълумот учун: Дунё шаҳарлари маданияти форумининг “World Cities Culture Report” ҳисоботи доирасида дунёнинг **45 та** йирик мегаполислари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирда ушбу шаҳарларнинг аксарияти тунги иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширмоқда, **59%** шаҳарларда тунги иқтисодиёт бўйича стратегиялар мавжуд, шаҳарларнинг **21%**ида эса тунги иқтисодиётни ривожлантириш бўйича алоҳида лавозим жорий этилган.

Шу билан бирга, **шаҳарларнинг тунги вақтда фаол бўлишга мослашуви**ни бир нечта таркибий омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, рақамли технологиялар, замонавий маркетинг стратегиялари ва савдо тизимида рақобатнинг кучайиши истеъмолни янада рағбатлантирмоқда. БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (UNCTAD) томонидан ишлаб чиқилган **2024 йилдаги** ҳисобот ҳам буни тасдиқлайди: **2021 йилда** дунё бўйича **2,3 млрд киши** онлайн харидни амалга оширган ва бу **2017 йилга** нисбатан **68%** га кўпдир⁵. Қўшимча равишда туризм иқтисодиётининг ривожланиши дунё аҳолисининг кундалик хизматларга бўлган эҳтиёжини янада кенгайтирмоқда. UN Tourism маълумотиغا кўра, **2024 йилда** халқаро туристлар сони **1,4 млрд нафарга** етиб, пандемиягача бўлган салоҳият аллақачон тикланиб улгурди⁶.

Иккинчидан, рақамли инфратузилмага уланиш имкониятининг ортиши тунги хизматлар бозорини янада кенгайтирмоқда. Халқаро Телекоммуникация Иттифоқи (ITU) ҳисоб-китобларига кўра, **2025 йилда 6 млрд киши**, яъни дунё аҳолисининг **74%**и (**2020 йилда 60%**) интернетдан фойдаланган⁷. Шаҳар жойларда бу кўрсаткич **83%** ни ташкил этиб, қишлоқ жойлардаги кўрсаткичдан (**48%**) анча юқори⁸. Демак, онлайн хизматлар, электрон савдо ва рақамли истеъмолнинг кенгайиши айнан шаҳарларда тезроқ юз бермоқда.

⁵ <https://unctad.org/news/making-e-commerce-and-digital-economy-work-all>

⁶ <https://www.e-unwto.org/doi/abs/10.18111/wtobarometereng.2025.23.1.1>

⁷ <https://www.itu.int/itu-d/reports/statistics/2025/10/15/ff25-internet-use/>

⁸ https://www.itu.int/itu-d/reports/statistics/wp-content/uploads/sites/5/2024/11/2402588_1e_Measuring-digital-development-Facts-and-Figures-2024_v4.pdf

Учинчидан, иқлим ўзгаришлари ва кундузги вақтдаги **юқори ҳаво ҳарорати** айрим шаҳарлардаги **иқтисодий фаолликни кечки ва тунги соатларга кўчирмоқда**. Жаҳон Иқтисодий Форуми (*WEF*) таҳлилига кўра, АҚШ ва БАА каби давлатлар шаҳарларидаги аҳоли юқори ҳарорат туфайли ўзининг кун тартиби, истеъмол ва дам олиш вақтини қайта тақсимлаётгани боис парклар, пляжлар, очиқ жамоат масканлари, озиқ-овқат ва савдо хизматлари, шунингдек айрим дам олиш ва кўнгилочар объектлар ҳам тунги фойдаланиш учун мослаштирилмоқда⁹.

Бошқа томондан, тунги иқтисодиётнинг кенгайиб бориши муайян чеклов ва хатарларни ҳам келтириб чиқаради. БМТ маълумотларига кўра, шаҳарлар Ер сайёрасидаги қуруқликнинг атиги **3%**ини эгалласа-да, шаҳарлар ҳиссасига глобал энергия истеъмолининг **60-80%**и ҳамда углерод чиқиндиларининг қарийб **75%**и тўғри келади¹⁰. Шу нуқтаи назардан, тунги иқтисодиёт замонавий шаҳарлар бошқарувида узлуксиз фаолиятни ташкил этиш эмас, балки транспорт, хавфсизлик, шовқин, чиқиндиларни бошқариш каби ёндашувларни самарали ташкил этиш ҳамда ечимларни экологик самарадорлик билан уйғун ҳолда ҳал этишни талаб қилади.

Тадқиқот ёндашуви ва маълумотлар базаси

Мазкур тадқиқот доирасида Тошкент шаҳри мисолида бизнес объектларининг тунги фаоллиги ва жойлашуви OpenStreetMap очиқ маълумотлар базаси асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда тунги иқтисодиёт объектларининг ҳудудий кластерлашуви, хизмат кўрсатиш масканларининг иш вақти динамикаси ўрганилиб, ҳозирги вазиятда шаҳардаги тунги иқтисодий салоҳиятнинг тўлиқ рўёбга чиқишини чеклаётган омиллар кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳрининг тунги вақтдаги иқтисодий салоҳиятини тизимли баҳолаш мақсадида шаҳар ҳудудидаги бизнес субъектларнинг тунги фаоллик ҳолати ўрганилди. Тадқиқот методологияси сифатида OpenStreetMap платформасидаги кўнгилочар масканларга оид геомаълумотлар ва SDGSAT-1 (*БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги*) сунъий йўлдошининг тунги ёритилганлик метрикалари ўзаро қиёсий таҳлил қилинди.

Таҳлилларда ширинлик ва нон маҳсулотлари савдо объектлари, овқатланиш ва ичимлик муассасалари (*ресторан, кафе, бар ва бошқалар*), маданий ва кўнгилочар масканлар, спорт, ўйин ва дам олиш объектлари, савдо масканлари ҳамда туризм ва диққатга сазовор жойлар тадқиқот объекти сифатида танланди. Дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида бу йўналишларда фаолият юритувчи жами **5,6 мингдан** ортиқ бизнес субъекти аниқлаб олинди. Тадқиқотнинг репрезентативлигини таъминлаш мақсадида, ушбу базадан иш

⁹ <https://www.weforum.org/stories/2024/01/24-hour-cities-night-time-strategies-urban-challenges/>

¹⁰ <https://www.un.org/sustainabledevelopment/cities/>

вақти аниқ кўрсатилган қарийб **1,6 мингта** объект сараланди ва таҳлиллар айнан шу объектлар кесимида олиб борилди.

Маълумот учун: 2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида **108,7 мингта** корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, 2026 йил март ойидаги кузатувларда пойтахтда қарийб **30 мингта** объектлар OSM маълумотлар базасига киритилгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, таҳлилларда тунги иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи инфратузилма, жумладан транспорт, ёритиш ва хавфсизлик тизимларининг мавжуд ҳолати ҳамда амалдаги стандартлари таҳлил қилиниб, ушбу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар кўриб чиқилади. Таҳлиллар якунида эса тунги иқтисодиётни ривожлантиришга оид хорижий шаҳарлар тажрибаси ёритилади.

Тошкент шаҳрида тунги иқтисодиётнинг умумий манзараси

Тадқиқотда OpenStreetMap платформасида маълумотлари мавжуд бўлган ва ишлаш вақтлари кўрсатилган Тошкент шаҳридаги **1 587 та** кўнгилочар масканларнинг жойлашуви ва тундаги фаолият кўрсаткичлари ўрганилди. Натижаларга кўра, ушбу субъектларнинг **1 185 таси (75%)** кечки соат **20:00 дан** кейин, **1 029 таси (65%) 22:00 дан** кейин, **501 таси (31%)** соат **00:00 да** ҳам ўз фаолиятини давом эттириши аниқланди.


Маълумот учун: тадқиқотда фойдаланилган Тошкент шаҳрида тунги **22:00 дан** кейин фаолият юритаётган кўнгилочар масканлар улушининг ярмидан ортиғи гастрономик масканлар ҳиссасига тўғри келади: кафелар – **20,6% (212 та)**, ресторанлар – **17,3% (178 та)**, фастфуд – **14,6% (150 та)**, барлар – **3% (30 та)** ва бошқалар.

Таҳлилларда Тошкент шаҳридаги кўнгилочар масканлар асосан шаҳарнинг марказий қисмида энг тиғиз тўпланаётгани маълум бўлди (1-расм). Соат **22:00 дан** бошлаб эса шаҳар иқтисодиёти бироз “совиётганини” кузатиш мумкин. Бу вақтга келиб шаҳар тунги иқтисодиётининг ядроси сифатида Яккасарой (**131 та**) ва Миробод (**112 та**) туманлари ажралиб туради.

Шу билан бирга, тунги иқтисодий фаоллик Мирзо Улуғбек (**147 та**), Юнусобод (**130 та**), Чилонзор (**126 та**) ва Шайхонтоҳур (**99 та**) туманларининг марказга туташ қисмларида юқори даражада жамланган. Учтепа (**52 та**), Сергели (**36 та**), Бектемир (**26 та**) ва Янгиҳаёт (**15 та**) туманлари эса тунги иқтисодиёт заиф ривожланган ҳудудлар сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумот учун: 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрига ташриф буюрган жами **2,5 млн нафар** меҳмоннинг асосий қисми Яккасарой (**704,7 минг**), Чилонзор (**328,2 минг**) ва Миробод (**313,9 минг**) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Тунги иқтисодий фаоллик нисбатан заиф бўлган Сергели (**57,4 минг**), Бектемир (**43,8 минг**) ва Янгиҳаёт (**15,4 минг**) туманларида меҳмонлар оқимининг анча паст экани кузатилган.

1-расм. Тошкент шаҳрида савдо ва кўнгилочар бизнес объектларнинг тунги фаолияти динамикаси



Манба: OpenStreetMap маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тошкентнинг чекка туманларида тунги иқтисодий фаолликнинг пастлиги нафақат иқтисодий йўқотиш, балки “ётоқ туманлар” (*dormitory districts*) феноменини кучайтиради. Чекка туманлар аҳолиси дам олиш ва кўнгилочар хизматлар учун, шунингдек шу соҳаларда хизмат қиладиган ишчилар ҳам шаҳар марказига боришга мажбур бўлади, натижада транспорт тизимига юклама ҳам ошиб боради.

Тунги фаоллик бўйича ҳудудий тафовутлар

Соат **22:00 дан** кейинги асосий тунги фаолликнинг шаҳар марказида (*Яккасарой, Миробод, Юнусобод туманларида*) жамланиши пойтахтнинг чекка ҳудудларида кўнгилочар масканларнинг етишмаслиги билан изоҳланиб, аҳоли оқимининг марказга интилишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳрида тунги кўнгилочар масканлар ва аҳоли яшаш жойлари зичлиги ўртасида сезиларли номуаносиблик мавжудлигини кўриш мумкин (*2-расм*).


Шунингдек, тунги **22:00 дан** кейин фаолият юритаётган кўнгилочар масканларнинг шаҳар бўйлаб зичлигига қарайдиган бўлсак, Бектемир, Сергели, Янги Ҳаёт туманларида “тунги фалаж зоналар” пайдо бўлаётганини

кўришимиз мумкин. Учтепа ва Яшнобод туманларининг катта қисмида ҳам тунги иқтисодиёт нисбатан суст ривожланмоқда.

МХТИ томонидан **2024 йилда** ўтказилган таҳлилларда Учтепа тумани “ётоқ туман” га айланиб бораётгани аниқланган. Янги қурилишлар динамикаси ҳам шаҳар кенгайишида “ётоқ туман”лар амалиёти такрорланаётгани ва янги уй-жойларнинг асосий қисми шаҳарни кенгайтириш ҳисобига Сергели ва Янгиҳаёт туманларида барпо этилаётгани аниқланган¹¹.

Халқаро тажрибага кўра, бундай марказлашув марказий ҳудудларда шовқин ифлосланишининг ортишига ва ҳаво сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Тошкент шаҳрида кузатилаётган ушбу ҳолат аҳолининг шахсий автомобиль ва такси хизматларидан фойдаланишга эҳтиёжнинг ортиши натижасида транспорт харажатларининг ўсиши ҳамда келажақда марказий кўчалар, йирик кўнгилочар объектлар жойлашган ҳудудларда кечки ва тунги вақтларда ҳам тирбандликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

2-расм. Тошкент шаҳри аҳолиси зичлиги (чапда) ва шаҳардаги кўнгилочар нуқталарнинг тунги фаоллик зоналари зичлиги (ўнгда)



Манба: Oak Ridge National Laboratory (ORNL) ва OpenStreetMap маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тунги вақтдаги транспорт чекловлари

Тошкент шаҳридаги тунги иқтисодий фаолликни чекловчи асосий омиллардан бири жамоат транспорти инфратузилмаси ҳисобланади. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ маълумотларига кўра, пойтахтдаги **164 та** автобус йўналишидан **108 таси** (**2/3 қисми**) соат **23:00 гача** фаолият кўрсатса,

¹¹ <https://imrs.uz/files/news/ru/736360.pdf>


00:00 гача 56 та йўналишларда автобус қатнови кузатилади. Метрополитени фаолияти эса соат **00:00 гача** амалга оширилади. Натижада, шаҳарнинг катта қисми тунги вақтларда жамоат транспорти билан қамраб олинмайди.

Мазкур чекловлар шаҳар маркази ва кўнгилочар масканларга боришда шахсий транспорт ҳамда такси хизматларидан фойдаланиш улушининг ортишига олиб келиб, шаҳарда шовқин даражаси, экологик юклама ва йўл ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, дам олиш кунлари тунги фаоллик ортишига қарамасдан, жамоат транспорти инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги тунги иқтисодий иштирокчиларининг ҳаракатчанлигига салбий таъсир қилиб, транспорт харажатларининг ошишига сабаб бўлади.

Пойтахт бўйича йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили шуни кўрсатадики (3-расм), кундузги вақтларда (асосан **08:00–18:00 оралиғида**) кўрсаткичлар ўртачадан юқори бўлиб қолмоқда, бироқ **энг юқори кўрсаткич кечки вақтга** — тахминан соат **18:00 га** тўғри келади ва **22:00 гача** юқори даражада сақланиб қолади. Бу эса кечки ва тунги вақтларда транспорт ҳаракати хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Маълумотлар учун: АҚШда жорий этилган тунги автобуслар тармоғи йўл-транспорт ҳодисалари ва маст ҳолда автомобиль бошқариш ҳолатларини **10-15% га** камайтирган¹².

3-расм. Тошкент шаҳрида йўл транспорт ҳодисалари сонининг соатлар кесимидаги ўртача кўрсаткичлари



Манба: Тошкент шаҳрининг очиқ маълумотлар портали

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тунги жамоат транспортининг мавжудлиги нафақат тунги истеъмолчилар учун қулайлик яратади, балки тунги иқтисодийнинг ажралмас қисми бўлган тунги ишчилар учун ҳам хавфсиз, қулай ва арзон транспорт хизматини таклиф қилади.

Маълумотлар учун: Британия Кичик бизнес федерацияси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, Лондондаги кичик бизнес вакилларининг **77%**и тунги жамоат транспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш паст даромадли ишчилар ва ўзини ўзи банд

¹² <https://www.apta.com/wp-content/uploads/Resources/resources/reportsandpublications/Documents/APTA-Hidden-Traffic-Safety-Solution-Public-Transportation.pdf>

Тунги ёритилганлик ва тунги иқтисодий фаоллик

Кўнгилочар ва савдо объектларининг “**24/7**” тамойили асосида узлуксиз фаолият юритиши учун интеграллашган хавфсизлик инфратузилмасини яратиш ижтимоий ва иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Тунги иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита жамоат жойларидаги хавфсизлик даражасига боғлиқ бўлиб, бунда айниқса тунги ёритилганлик даражаси муҳим роль ўйнайди.

Маълумот учун: Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кўча ёритиш тизимининг яхшиланиши ва кўчма ёритиш минораларининг ўрнатилиши содир этиладиган жиноятлар сонини ўртача **36%** га камайтирган¹⁴.

Тадқиқот методологияси доирасида Тошкент шаҳридаги тунги иқтисодий фаол бўлган **1 587 та** объектлар иш вақтига оид маълумотлар ҳамда SDGSAT-1 сунъий йўлдошининг тунги ёритилганлик тасвирлари асосида баҳоланди. Таҳлилда **22:00 дан** кейин фаолият юритувчи объектлар бинар кўрсаткичларга ўтказилиб (**1 – фаол, 0 – нофаол**), уларнинг тунги режимда ишлаш эҳтимоли объект атрофидаги ёритилганлик интенсивлигига нисбатан эконометрик регрессия асосида баҳоланди. Хусусан, регрессия таҳлилида ёритилганлик даражаси digital number (DN) кўрсаткичлари орқали **100×100 метр** ва **300×300 метр** фазовий бирликлар кесимида ўлчанди.

Олинган натижалар ҳудуднинг тунги ёритилганлик даражаси билан тадбиркорлик субъектларининг операцион фаоллиги ўртасида статистик жиҳатдан мусбат боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, объект атрофидаги ёритиш интенсивлигининг локал миқёсда, яъни **100×100 метр**лик зонада ҳар **100 DN** бирликка ошиши (тахминан **2-5 lux**) субъектнинг соат **22:00 дан** кейин фаолиятни давом эттириш эҳтимолини ўртача **23 фоиз**га ошириши аниқланди. Шунингдек, **300×300 метр**лик ҳудудда эса ушбу таъсир янада кучлироқ намоён бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг тунги иш режимда фаолият юритиш эҳтимолини **54 фоиз**гача ошириши кузатилди.

Тошкент шаҳри бўйича сунъий йўлдош маълумотлари асосида тузилган тунги ёритилганлик харитаси шуни кўрсатадики, ёритиш инфратузилмаси асосан асосий кўчалар бўйлаб етарли даражада жойлаштирилган (**4-расм**). Халқаро тажриба ва шаҳарсозлик нормаларига кўра, аҳолининг тунги вақтда ўзини психологик ва жисмоний хавфсиз ҳис қилган ҳолда пиёда ҳаракатланиши учун нафақат асосий йўллар, балки туташ ҳудудларнинг яхлит ёритилиши (*area lighting*) иқтисодий фаолликнинг бош драйверидир.

¹³ <https://www.london.gov.uk/sites/default/files/2025-02/1633%20-%20Economy%20Culture%20and%20Skills%20Committee%20-%20London%27s%20Night-time%20Economy%20vF.pdf>

¹⁴ https://www.nber.org/system/files/working_papers/w25798/w25798.pdf

Маълумот учун: жаҳон тажрибасида (IESNA ва CIE стандартлари) турар-жой ва хизмат кўрсатиш зоналарида пиёдалар хавфсизлиги ва қулайлиги учун минимал ёритилганлик даражаси ўртача **10-15 lux**, ҳаракат интенсив зоналарда эса **20-30 lux** бўлиши оптимал ҳисобланади¹⁵.

4-расм. Тошкент шаҳрининг тунги ёритилганлик харитаси.



Манба: SDGSAT-1 сунъий йўлдош маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тошкент шаҳрида тунги ёритилганлик инфратузилмасини яхшилаш билан бир қаторда, интегратсиялашган видеокузатув тизимлари ва кузатув патруль нуқталарини жорий этиш тунги иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашнинг кейинги муҳим босқичидир. Тунги вақтда жамоат тартибини сақлашда замонавий видеокузатув тизимларининг ўрни беқиёсдир.

Халқаро амалиёт, хусусан, АҚШ ва Европа шаҳарлари тажрибаси шуни кўрсатадики, интегратсиялашган видеокузатув тизимлари (ССТВ) ўрнатилиши тунда содир этиладиган кўча жиноятларини ўртача **20-25%** га камайтириш имконини беради¹⁶. Бундан ташқари, ҳудудда тартибни сақлаш патрулларининг мавжудлиги, яқин масофада патрулнинг борлигини ҳис қилиш ҳам жиноятлар сонини камайтириб, аҳоли ўртасида тунги ҳаракатланиш, яъни, тунги иқтисодиёт хизматларидан фойдаланиш ва тунги меҳнат фаолиятида фаол бўлишига таъсир қилади.

Маълумот учун: Б.Британиянинг Northamptonshire ҳудуди полиция бошқармаси томонидан тунги иқтисодий ҳудудларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган дастур орқали махсус тайёргарликдан ўтган **600 нафар** патруль ходимларининг фаолияти натижасида тунги қонунбузарликлар **40%** га камайганлиги аниқланган¹⁷.

¹⁵ <https://www.studocu.com/co/document/universidad-tecnologica-de-pereira/instalaciones-electricas-e-iluminacion/cie-1152010-technical-report-on-road-lighting-for-traffic-safety/130941578>

¹⁶ <https://aipix.ai/blog/en/the-role-of-video-surveillance-in-enhancing-public-safety-research-based-on-40-years-of-surveys-and-case-studies/>

¹⁷ <https://www.college.police.uk/support-forces/practices/night-time-economy-solutions#:~:text=and%20independent%20businesses-,Training,identifying%20and%20managing%20vulnerability>

Дунё миқёсида кўплаб шаҳарлар махсус хавфсизлик стратегиялари, солиқ имтиёзлари ва “тунги маданий ҳудудлар”ни шакллантириш орқали ушбу соҳани комплекс тарзда ривожлантириш йўлидан бормоқда. Бунинг натижасида замонавий мегаполислар иқтисодиёти тобора “**24/7**” (тун-у кун) тамойили асосида ташкил этилиб, ушбу модель иқтисодий фаолликни диверсификация қилиш, туризмни ривожлантириш ҳамда шаҳар иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда муҳим восита сифатида қаралмоқда.

Маълумот учун: Хитой шаҳарларида иш вақтидан кейинги соатлар харид ва истеъмол учун “*praim-taym*” ҳисобланиб, йирик савдо марказларида **18:00-22:00 вақт** оралиғидаги харидлар (*in-person*) кунлик савдо ҳажмининг ярмидан ортиғини ташкил этади¹⁸.

Бироқ, халқаро тажриба ушбу йўналишда маълумотлар базасининг етарли эмаслиги, меъёрий-ҳуқуқий базанинг эскирганлиги ҳамда бошқарув ваколатларининг тарқоқлиги асосий тўсиқлар сифатида сақланиб қолаётганини кўрсатади. Шу боис, тунги иқтисодиётни ривожлантиришда зарур инфратузилмани яратиш билан бир қаторда, тунги фаолликнинг шаҳар муҳитига таъсирини самарали бошқаришга қаратилган тартиб ва назорат механизмларини илғор хорижий тажриба асосида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил қилинган шаҳарлар тажрибаси тунги иқтисодиётни ривожлантиришда институтсионал ёндашувлар турлича шаклланганини кўрсатади. Ушбу фарқлар, аввало, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, шаҳарнинг бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вектори, институтсионал мувофиқлаштириш ва стратегик қўллаб-қувватлаш механизмларида намоён бўлади.

Лондон тажрибаси. Шаҳарда тунги иқтисодиёт фаолияти **Licensing Act 2003**¹⁹ доирасида тартибга солинади. Мазкур қонун маҳаллий ҳокимият органларига лицензиялаш механизмлари орқали тунги фаолиятни назорат қилиш ваколатини бериб, тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини шакллантиради.


Маълумот учун: Буюк Британия миқёсида тунги иқтисодиёт ҳажми **2024 йилда 153,9 млрд фунт стерлинг**ни (йиллик ўсиш **2,5%**) ташкил этган²⁰. Лондон мамлакатдаги энг йирик мегаполис сифатида мазкур ҳажмининг салмоқли қисмини шакллантиради ва шаҳарда тахминан **1,3 млн нафар** аҳоли (шаҳар умумий меҳнат бозорининг **25%** қисми) кечки ёки тунги вақтда ишлайди.

¹⁸ <https://global.chinadaily.com.cn/a/202207/30/WS62e487baa310fd2b29e6f433.html>

¹⁹ Legislation, Licensing Act 2003 // legislation.gov.uk: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2003/17/contents>

²⁰ NTIA, The night time economy market monitor: A changing landscape // ntia.co.uk: <https://ntia.co.uk/the-night-time-economy-market-monitor-a-changing-landscape/>

5-расм. Лондон шаҳрида соҳалар кесимидаги тунги бандлик (2023)



Манба: Буюк Британия маълумотлар хизмати (UK Data Service) маълумотлари

Шу билан бирга, **2025 йилнинг** февралда Лондон мери ташаббуси билан маҳаллий бошқарув органлари вакиллари, маданият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва шаҳарни режалаштириш соҳасидаги мутахассислардан иборат “**Nightlife Taskforce**” экспертлар гуруҳи ташкил этилди²¹. Мазкур экспертлар гуруҳи регулятор функциясини эмас, балки маҳаллий ҳокимият учун эксперт-аналитик платформа вазифасини ўтайди. Гуруҳнинг асосий вазифаси тунги инфратузилмани яхшилаш ва лицензиялаш тизимини соддалаштириш ҳисобига шаҳарда янги бизнес имкониятларини кенгайтириш, хавфсизликни таъминлаш ва секторнинг иқтисодий ролини оширишдан иборат.

Маълумот учун: *Nightlife Taskforce* гуруҳи томонидан эълон қилинган ҳисоботда Лондондаги тунги иқтисодиёт субъектлари юқори харажатлар босими остида экани таъкидланган. Хусусан, ўтказилган сўровда респондентларнинг **68,2%**и солиқ ставкаларини, **66%**и энергия, **60%** дан ортиғи эса ижара ва иш ҳақи харажатларини тунги фаолиятдаги асосий тўсиқ сифатида кўрсатган.

Амстердам тажрибаси тунги иқтисодиёт институтсионал мулоқот ва стратегик режалаштириш асосида бошқарилиши ва тартибга солиш тизими асосан маҳаллий даражада амалга оширилишини кўрсатади. Жамоат тартиби, иш вақtlари ва маҳаллий рухсатномалар муниципал низом (*General Municipal By-law*) орқали белгиланади²², миллий қонунчилик эса базавий стандарт ва чекловларни таъминлайди.

Шаҳарда **2012 йилда** дунёда биринчилардан бўлиб “**Тунги мер**” лавозими жорий этилган²³. Ушбу мустақил нодавлат тузилма тунги иқтисодиёт субъектлари, маҳаллий аҳоли ва шаҳар маъмурияти ўртасида доимий мулоқот ва мувофиқлаштиришни таъминлайди. Шунингдек, шаҳар ҳукумати

²¹ Mayor of London, *London Nightlife Taskforce* // london.gov.uk: <https://www.london.gov.uk/programmes-strategies/arts-and-culture/24-hour-london/london-nightlife-taskforce>

²² Business.gov.nl, *Public order and safety (General Municipal By-law)* // business.gov.nl: <https://business.gov.nl/regulations/public-order-and-safety/>

²³ Stichting N8BM A'DAM, *About the night Mayor of Amsterdam* // nachtburgemeester.amsterdam: <https://nachtburgemeester.amsterdam/English>

2021 йилда илгари сурилган **Night Vision** стратегияси орқали тунги маданиятни расмий режалаштириш ҳужжатларига киритди ҳамда **2023–2026 йилларга** мўлжалланган “**Тунги маданиятни амалга ошириш бўйича кун тартиби**” (*Implementation Agenda for Night Culture*) дастурини ишга туширди²⁴.

Маълумот учун: Амстердамда **2022 йилда** тунда фаолият кўрсатувчи **500 га** яқин тадбиркорлик объектлари қарийб **5 мингта** иш ўрни яратган бўлиб, ушбу муассасалар тунги фестиваллар ва бошқа кўнгилочар тадбирлар орқали йил давомида **1,5 млн** дан ортиқ ташриф буюрувчиларни жалб қилган ва маҳаллий иқтисодиётга тахминан **€1,25 млрд** ҳисса қўшган²⁵.

Истанбул тажрибаси. Истанбул шаҳрида тунги иқтисодиёт Лондон ва Амстердам шаҳарлари тажрибасидан фарқли равишда, алоҳида стратегия ва мустақил институтсионал ёндашувга асосланмаган бўлиб, у умумшаҳар ривожланиш сиёсати доирасида шаклланган. Тунги хизмат кўрсатиш фаолияти асосан туризм, гастрономия ва маданий тадбирлар билан интеграциялашган ҳолда ривожланади.

Istanbul Planning Agency²⁶ томонидан ишлаб чиқилган “**Istanbul 2050 Vision**” ҳужжатида маданий инфратузилма, туризм ва жамоат масканларини ривожлантириш масалалари кўзда тутилган бўлса-да, тунги иқтисодиёт алоҳида йўналиш сифатида ажратилмаган²⁷. Шу сабабли шаҳарда тунги иқтисодий фаолият савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига оид умумий қонунчилик асосида тартибга солинади²⁸.

Маълумот учун: Истанбул мамлакат ЯИМ нинг қарийб **30%**ини шакллантиради²⁹. Шаҳар аҳолиси **15 млн** дан ортиқни ташкил этади ва туризм ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси меҳнат бозорининг катта қисмини қамраб олади. **2024 йилда** мамлакатга **62,2 млн** киши ташриф буюрган, шундан **52,6 млн нафари** хорижий сайёҳлардир. Шу билан бирга, мос даврда Истанбул **18,6 млн** га яқин сайёҳни қабул қилган, бу хорижий ташрифлар умумий сонининг қарийб **35%**ини ташкил этади³⁰.

Шанхай тажрибасига кўра, тунги иқтисодиётни ривожлантиришда асосий урғу истеъмолни рағбатлантириш, инфратузилмавий қамровни кенгайтириш ва шаҳар брендини оммалаштиришга қаратилган. Тунги иқтисодий фаолият савдо, жамоат хавфсизлиги ва шаҳар бошқарувига оид умумий меъёрлар асосида тартибга солинади.

Сўнги йилларда шаҳар маъмурияти тунги истеъмолни иқтисодий ўсиш драйверларидан бири сифатида белгилаб, “**Тунги Шанхай**” (*Night Shanghai*) бренди остида қатор ташаббусларни амалга оширомоқда. Хусусан, “**Shanghai Nightlife Festival**” ва бошқа брендлаштирилган кечки тадбирлар орқали

²⁴ https://assets.amsterdam.nl/publish/pages/1032233/nachtvisie_engels.pdf

²⁵ <https://worldcitiescultureforum.com/city-project/night-vision-the-night-has-the-future/>

²⁶ Istanbul Planlama Ajansi // ipa.istanbul: <https://ipa.istanbul/>

²⁷ Istanbul Planlama Ajansi, *Istanbul 2050 Vision* // vizyon2050.istanbul: <https://vizyon2050.istanbul/en>

²⁸ Mevzuat Bilgi Sistemi // mevzuat.gov.tr: <https://www.mevzuat.gov.tr/>

²⁹ Turkish Statistical Institute, *Gross Domestic Product by Provinces, 2024* // veriportali.tuik.gov.tr: <https://veriportali.tuik.gov.tr/en/press/53930>

³⁰ <https://www.hurriyetdailynews.com/istanbul-welcomed-more-than-18-mln-visitors-last-year-205331>

савдо, хизмат кўрсатиш ва туризм фаолияти кенгайтирилмоқда³¹. Миллий медиа гуруҳи ҳисоботларига кўра, **2024–2025 йилларда** Шанхай тунги иқтисодий комплекс индексида Хитой шаҳарлари орасида етакчи ўринни эгаллаган.³²

Шу билан бирга, шаҳар маъмурияти томонидан тунги фаолликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбир қабул қилиниб, улар озиқ-овқат хавфсизлиги назоратини такомиллаштириш, тематик ярмаркалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш, ёритиш сифатини ошириш ва тунги парковка хизматларини оптималлаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади³³.

Маълумот учун: Шанхайда **3 мингга** яқин кўнгилочар, овқатланиш ва кечки хизмат кўрсатиш объектлари фаолият юритиб, тунги вақтда ҳаракатланувчи йўловчилар сони **2024 йилда** кунига ўртача **4 млн кишига** етган. Тунги жамоат транспорти қамрови **2 минг км²** (ёки шаҳар умумий майдонининг **31%**)ни ташкил этади ва шаҳар ҳудудининг **75%**и тўлиқ тунги ёритиш тизими билан қамраб олинган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тунги иқтисодий шунчаки кўнгилочар соҳа эмас, балки шаҳарнинг глобал рақобатбардошлигини белгиловчи стратегик йўналишдир. Ўзбекистонда кузатилаётган жадал урбанизация тенденцияси ва Тошкент шаҳрининг минтақавий иқтисодий марказга айланиб бориши пойтахтда ҳам ушбу трансформацияни тизимли амалга оширишни тақазо этмоқда. Юқоридаги глобал тенденциялар ва пойтахтдаги жадал урбанизация ҳолатидан келиб чиқиб, қуйида Тошкент шаҳрида тунги иқтисодий фаолиятни тизимли ривожлантириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий таклиф ва тавсиялар

1. Тошкент шаҳрида 24/7 кўчалар ва кечки хизматлар экотизимини мувофиқлаштириш мақсадида **Тунги иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳоким ўринбосари** лавозимини жорий этиш;

2. Ягона методика асосида тунги фаоллик даражаси, савдо айланмаси, ташрифлар оқими, аҳоли зичлиги, транспорт қамрови ва мавжуд хизматлар таркибидан келиб чиқиб, **ҳудудларни 3 та тоифага ажратиш**;

1-тоифа – тунги иқтисодийнинг ядроси сифатида шакллланган, юқори гавжумлик ва юқори айланма кузатиладиган ҳудудлар;

2-тоифа – тунги иқтисодий фаоллиги шакллланган, бироқ қўшимча хизматлар ва инфратузилма билан қўллаб-қувватлаш талаб қиладиган ўсиш ҳудудлари;

³¹ <https://english.shanghai.gov.cn/en-Nightlife/20250612/0660a5b340954b9b8b8ee627edaed601.html>

³² International services Shanghai, *Shanghai Night Festival | City tops China's night economy index* // english.shanghai.gov.cn: <https://english.shanghai.gov.cn/en-PlanANightOut/20250613/63a5b5204a234f8e978771ca0b4417dc.html>

³³ International Services Shanghai, *Shanghai's nighttime economy blossoms* // shanghai.gov.cn: <https://english.shanghai.gov.cn/en-Latest-WhatsNew/20250815/4c8ec45f3c654f02af01354f5c318429.html>

3-тоифа – тунги иқтисодиёт хизматлари сустривожланган, аммо аҳоли зичлиги ва жойлашуви бўйича салоҳиятга эга ҳудудлар.

3. 1-тоифали ҳудудлар учун “Тунги хизматлар таркибини кенгайтириш дастури”ни ишлаб чиқиш;

Дастур доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича таклифлар тайёрлаш:

- оилавий дам олиш ва кўнгилочар форматлар;
- кечки савдо ва кундалик хизматлар;
- жонли ижро ва ижодий тадбир форматлари;
- очиқ осмон остидаги кино ва маданий тадбирлар;
- кечки спорт ва рекреация хизматлари;

4. 2-3-тоифали ҳудудлар учун “Тунги иқтисодиётни жонлантириш дастури”ни ишлаб чиқиш;

Дастур доирасида қуйидагиларни жорий этиш:

- кечки ярмаркалар ва дам олиш кунлари кўчма бозорлари;
- тематик кўчалар ва кўчма савдо форматлари;
- оилавий кечки ҳордиқ майдонлари;
- кечки маданий фестиваллар ва кўча тадбирлари;
- очиқ осмон остидаги кино ва “музейлар кечаси” форматлари;

5. Тунги иқтисодиёт ривожланган ҳудудларни аҳоли зич, бироқ тунги фаоллиги сустриволган туманлар билан боғловчи тунги жамоат транспорти йўналишларини жорий этиш;

Пилот йўналишларни, биринчи навбатда, Сергели, Учтепа, Янгиҳаёт, Бектемир каби аҳоли зич, лекин тунги иқтисодий фаоллиги чекланган ҳудудлар билан марказий кечки фаоллик марказларини боғлашга йўналтириш ҳамда ушбу йўналишларни жума, шанба ва якшанба кунлари синов тариқасида ишга тушириш мақсадга мувофиқ.

6. Тошкент метрополитени иш вақтини дам олиш кунлари синов тариқасида соат 01:00 гача узайтириш;

7. Аҳоли учун фойдаланишга қулай тунги шаҳар муҳитини яратиш мақсадида инфратузилма ечимларини амалга ошириш, жумладан:

- Пилот ҳудудларда пиёдалар йўлаклари ва боғлар бўйича **тўлиқ ёритишни таъминлаш**;

- 24 соат ишлайдиган **жамоат санитария нуқталарини ўрнатиш**;

- **ўтириш ва қисқа дам олиш учун жойлар** ташкил этиш;

- **тунги навигация ва йўналтирувчи белгиларни жорий этиш**;

- кечки ва тунги вақтда **чиқиндиларни йиғишнинг алоҳида режимини жорий этиш**;

8. 1-2-тоифали ҳудудлар бўйича ягона тунги тадбирлар тақвимини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш;

Тақвим доирасида тунги фестиваллар, кўча овқатланиши кунлари, тунги бозорлар, очиқ осмон остидаги кино намойишлари, музейлар кечаси, оилалар ва болали аҳоли учун махсус ёзги кечки дастурларни ташкил этиш.